

АР 4308

РИПК ЎРХТВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 17.022.1-057.87 (575.1)+
374.32(575.1)

ТЕМИРОВА НИЛУФАР ЭРКИНОВНА

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МАҲНАВИЙ
ШАКЛЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ
ҚАДРИЯТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ

Ихтисослик: 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2006

Диссертация Гулистон Давлат университети Фалсафа кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар – фалсафа фанлари доктори
Қ.Н.НАЗАРОВ

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори,
профессор У.Ҳ.ҚОРАБОЕВ

фалсафа фанлари доктори
В.А.АЛИМАСОВ

Етакчи ташкилот – Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети

Ҳимоя 2006 йил «22» июнь куни соат 20 да
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий
даражасини ҳимоя қилиш бўйича Д. 067.02.01 рақамли
Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси,
Форобий кўчаси 16, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети, Фалсафа факультети; 215 – хона.

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университетининг илмий кутубхонасида танишиш
мумкин. 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси.

Автореферат 2006 йил «23» май да тарқатилди.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларингизни
Ихтисослашган кенгаш илмий котиби (700095, Тошкент шаҳри,
Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси 16, Мирзо Улугбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа
факультети, 324 – хона) га юборишингизни сўраймиз.

Ихтисослашган кенгаш
ilmий котиби, фалсафа
фанлари доктори

AP 4308
РИПК ЎРХТВ

д.т.НОРҚУЛОВ

Алмаз

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаёттан туб ўзгаришлардан кўзланаёттан мақсад «бу эл – юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги ислоҳотларни амалга оширишдан иборат»¹. Ушбу фикрини давом эттириб, Республикаимиз Президенти И.А.Каримов: «Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билаги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораёттан, умид ишончимиз, таянчимиз ва суюнчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасиdir»², – дея таъкидлайди. Зеро, жамиятнинг бир тараққиёт босқичидан ва қадриятлардан иккинчи тараққиёт босқичи ва қадриятларга ўтиши, прогрессив гояларнинг кишилар онги ва тафаккуридан жой олиши, ислоҳотларнинг позитив ўзгаришларга, цивилизация талабларига мос ижтимоий ҳодисадарга айланиши замон талабларига жавоб берадиган – юкори малакали кадрлар етишишишга боғлиқдир. Чунки, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга, эл – юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшишга қодирдир.

Талаба ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоларини ижтимоий – фалсафий тадқиқ этишининг долзарблиги қуидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жамиятимизнинг келгуси тараққиёти, Ватанимиз истиқололининг тақдири, ҳалқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссаси бугун ўқув юртларида таълим олаёттан талаба ёшларнинг маънавиятига, эгаллаган касб – кори, интеллектуал билими ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишига боғлиқ. Чунки бугун ўқув юртларида таълим олаёттан талаба ёшлар эртага ўёки бу соҳани, жамият ва давлат ишларини бошқаради, мустақиллик йилларида яратилган бойликларни, маънавий қадриятларни келгуси авлодларга етказади.

Иккинчидан, талаба ёшлар ўзининг ҳаёти ва мақсади, ўтмишга ва келажакка муносабати, маданий бойликлар ва меросни ўзлаштириши, ижтимоий тараққиёт қонунларини идрок

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз. // Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13 – ж. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 6 – бет

² Ўша жойда. – 7 – бет.

етиши, ички маънавий – руҳий дунёси билан қолган ёшлардан фарқ қиласди. Уларда ижтимоий фаолликка, эл – юрт манфаатларига хизмат қилишга интилиш, билимга, маърифатта, тараққий эттан ҳалқлар маданиятига қизиқиш юқори бўлади. Аммо ушбу интилиш ва қизиқиш айрим талаба ёшларда ижобий, конструктив даражага кўтарилимай қолмоқда.

Учинчидан, бугун дунёда ва жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизга нисбатан четдан туриб содир этилаётган информацион хуружлар талаба ёшлардан ўз касбига, таълимга, ён – атрофга ўта масъулият билан ёндашишни, ҳаётий мақсадини тўғри танлашни талаб этмоқда. Аммо касб – кор маҳорати қанчалик муҳим бўлмасин, бўлгуси малакали мутахассис, у ёки бу соҳанинг бўлгуси раҳбари учун юксак инсоний фазилатлар ва маънавият ҳам шунчалик зарурдир. Маънавияти юксак мутахассисигина ҳушёр ва огоҳ бўлиши, кишиларни эзгу ғоялар асосида ўз атрофига бирлаштириши, уларни давр талаблари кун тартибига қўяётган вазифаларни бажаришга йўналтириши мумкин.

Тўртингчидан, кейинги йилларда маънавиятта оид кўплаб монографиялар, ҳаммуаллифликда асарлар, тўпламлар ва илмий мақоладар чоп этилди. Ушбу изланишларда маънавиятнинг умумий назарий ва ижтимоий – педагогик муаммолари муҳокама қилинади. Бироқ уларнинг илмий – назарий қимматини инкор қилмаган тарзда, маънавиятта дифференциал, шахснинг, кишиларнинг ижтимоий – демографик (масалан, талаба ёшлар, мактаб ўқувчилари, ишчи ёшлар ва б.) жиҳатлари нуқтаи назаридан ёндашиш тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Объектнинг ёши, тажрибаси, жинси каби хусусиятларни ҳисобга олмаслик ижтимоий – педагогик жараёнларнинг самарасига акс таъсир этади.

Бешинчидан, маънавият тизимида миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Аммо чоп этилган асарларда ушбу қадриятларнинг муҳимлиги шунчаки таъкидланади, холос. Ваҳоланки, улар ўзининг ички хусусиятларига, ўзаро диалектик боғлиқлик қонунларига эгаки, буларни чуқур англамаслик, идрок этмаслик кишилар маънавий – руҳий оламини жўн тушунишга, унинг ранг – баранглигини сийқалаштиришга, ижтимоий – педагогик имкониятлардан самарали фойдаланмасликка олиб келади. Айрим талаба ёшларда учраётган бефарқлик, ижтимоий бурчни англамаслик, кексалар панд – насиҳатини менсимаслик, нигилизм, фақат кайф – сафо қилиб яшашга интилиш каби салбий иллатлар ана шу ёндашувлар натижасидир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Миллий ва умуминсоний қадриятлар масаласи қадимдан файласуфларнинг

эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жумладан, қадимги Юнонистонда инсон томонидан табиатни ўзлаштириш "cultura" деб аталиб, этимологик жиҳатдан "ерни қайта ишлаш", "ерга ишлов бериш" маъноларини англатган бўлса – да, юноналар уни ёшларни тарбия, таълим олиш, мавжуд ахлоқий нормаларни эгаллаш мазмунида ҳам тушунишган.

Ушбу талқин кейинчалик инсоннинг ақлу идроки ва қўли билан яраттан барча бойликларга нисбатан қўлланиладиган бўлди. Аслида бу инсон ва у томонидан яратилган маданий бойликларни эъзозлаш, қадрлаш томон интилиш эди. Шундай бўлса – да, қадриятларни маҳсус ижтимоий ҳодиса, тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш XIX асрдагина шакланди.

Хориж тадқиқотчилари ёшлар муаммоларига жиддий эътибор бериб келадилар. Ш.Бюлер, Э.Шпрангер, Х.Зельцман, И.Песталоцци, О.Гуммерц, Т.Циен асарларида Ж.Ж.Руссо ғоялари давом эттирилади. Ш.Бюлер ёшларнинг кундалик дафтарларини таҳлил қилиб, уларнинг шахс сифатида ва психофизиологик етишиш жараёнларини ўрганади. У ёшлик даврини 21 – 24 ёшлар билан бёлгилайди. Ушбу даврда, Ш.Бюлер фикрига кўра, «шахснинг характери ва қизиқиши кескин кўринишида бўлади, интеллект ўзининг ҳақиқий чўққисига чиқади, ироди ҳақиқий кучга тулади. Шу даврда эҳтирослар, мақсадлар, идеаллар, шахс шакланади»¹.

Гарб тадқиқотчиларининг қарашларига Э.Шпрангернинг гэялари, фикрлари ҳамон таъсир этиб келади. Файласуф, психолог ва педагог сифатида Э.Шпрангёр «ёшлик даври руҳий тузилишининг тутасвирини»² яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У Ж.Ж.Руссонинг «ёшлик шахснинг иккинчи туғилиш даври» деган фикрига таянади ва бу даврда шахс ўзининг «мен»ини топишга, ҳаёттий режалар тузишга, ҳаётта, сиёсатта, динга, ахлоқга, жинсий муносабатларга фаол муносабатда бўлади, деб кўрсатади.³

Э.Шпрангер ёшлик даврида шахснинг ўз ички руҳий кечинмаларини англаш (рефлексия)га, ён – атрофдаги тушунча, қадриятлар билан уларни солиштиришга, кўпинча ўзини «бошқача шахс» сифатида тасаввур қилиб жамиятдан, ён – атрофдагилардан узоқлашишга интилади. Ёшлар руҳиятидаги ўзгаришларни ифода этиб, Э.Шпрангер ёзади: «Бугун «мен» ўзини янгича сезмоқда, яъни «мен» билан бошқа «мен» ёки «мен

¹ Bühler Ch. Das Seelenleben des Jugendlichen. – Jena, 1997. – S 18.

² Spranger E. Psychologie des Jugendalters. – Leipzig, 1996. - S 2.

³ Қаранг: Spranger E. Psychologie des Jugendalters. – Leipzig, 1996. - S. 38.

эмас» ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлган, руҳан кишилар бир – бирларига ётдиrlар».¹

Ф.Ницше ва В.Дильтейнинг айрим гояларини ёшлар ҳақидаги қарашларга татбиқ этиб, Э.Шпрангер ёзди: «Пастда эмас, балки юқори погонада бўлиш, ироданинг ҳокимиётта, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши биринчи навбатдаги, асосий кўрсаткичdir, демак, ҳаётий режалар тузишга ҳаракатлантирувчи турткидир, кучdir»². Шунинг учун Э.Шпрангер ёшлар юқори сиёсий вазифалардан, сиёсий ташкилотларда иштирок қилишдан узоқроқ бўлиши зарур, деб билган.³

АҚШда С.Холл, Д.Кемпбелл, Э.Эриксон, Э.Фромм, К.Хорни, С.Эйзенштадт, Р.Бенедикт, Б.Малиновский, Д.Мид, Д.Аусубел каби тадқиқотчилар ёшлар муаммоларини ўрганишда муҳим ютуқларни қўлга киридилаr. Масалан, С.Холл ёшлини «шахснинг иккинчи туғилиши» даври деб атайди. Унинг, «ёшлик бўронлар ва тўқнашувлар даври», ибораси йлмий адабиётларга ёшлар психологиясини тўла очиб берувчи таъриф сифатида кирган.⁴

Д.Аусубел ёшларга хос психобиологик ва маданий – маънавий ўзгаришлар жараёнларини тадқиқ этган. У ёшларга ўзига хос бўлган қадриятларни яратиш хослигини қайд этади. Бу қадриятлар ёшларнинг ўзига, ён – атрофга, оиласига, тенгқурларига муносабатларида акс этади.⁵

Д.Кемпбелл ёшлик даврида шаҳс ўз «мен»ини гўдак тасаввуридан ажратади», «реал бўрлиқ билан ҳаётий қадриятлар ўртасида сезиларли фарқлар бўлади», деб ҳисоблайди. С.Эйзенштадт ўзининг «Авлодлардан авлодларга» асарида ёшларга антропологик ёндашади ва уларнинг «индустрисал жамиятдаги макросоциал ва микросоциал бирликлар» билан муносабатлари алоҳида, ёшлар хусусиятига хос тарзда кечишини қайд этади. Ҳаётий қадриятларнинг шакланиши, умуман, давларнинг ўзига хос хусусиятлари биологик эмас, балки маданий белгилар билан ўлчанади. Ёшлар оила ва гуруҳлар, жамият ўртасидаги муносабатларни уйгунаштирувчи қатлам ҳисобланади.⁶

С.Эйзенштадт ёшларнинг ижтимоий ролларини, ўқишига, бўш вақтта, ноформал гуруҳлардаги иштирокига эътибор беради ва уларга «алоҳида маданият» («peer group-culture») хос деган

¹ Қаранг: Ӯша жойда. – S.41 – 42.

² Spranger E. Psychologie des Jugendalters. – Leipzig, 1996. – S. 46.

³ Қаранг: Ӯша жойда. – S. 212.

⁴ Қаранг: Hall St. Adolescence. – London, 1995. – P.153.

⁵ Қаранг: Ausubel D.P. Das Jugendalter. – München, 1968. – S.56.

⁶ Қаранг: Eisenstadt S.N. Von Generation zu Generation. – München, 1996. – S.300.

фикрга келади. Ушбу концепция Фарбий Европалик бошқа тадқиқотчилар (Г.Шөльский, Ф.Тенбрюк) изланишларида давом эттирилди.

Фалсафий ва социологик тадқиқотларнинг деярли барчасида у ёки бу даражада В.Дильтей, М.Вебер, К.Мангейм, А.Камю, Э.Дюркгейм, Г.Зиммель, Т.Парсонсларнинг таъсири бор. Агар В.Дильтей «ҳаёт фалсафаси» орқали ёшлар, шахс шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш концепциясини илгари сурган бўлса, М.Вебер тузумни протестант этикаси орқали танқид қилади ва ўзига хос «қадриятлар этикаси»ни яратади. К.Мангеймнинг «Авлодлар муаммолари» асари ҳозиргача энг муҳим тадқиқот сифатида қаралади ва ёшларга оид тадқиқотларда тез – тез тилга олинади.

1960 йилларда кўтарилиган ёшларнинг турли ижтимоий – сиёсий ҳаракатлари муаммони жамият маҳсади ва манфаатлари билан боғлаб ўрганишни тақозо этди. Психоаналитик, психобиологик ва антропологик ёндашувлар ижтимоий (социологик) ёндашув билан уйғунликда қараладиган, ўрганиладиган бўлди. Бу ўринда Л.Розенмайер, Г.Вурцбахер, Г.Кройтц, К.Аллэрбек, Ф.Найдардт, Г.Гризенинг тадқиқотларини эслаш мумкин. Уларда бир томондан мавжуд тузумдаги салбий ҳоллар, ёшларнинг «ўз ҳолига ташлаб қўйилгани» танқид қилинса, иккинчи томондан, ёшларни «алоҳида табақа» сифатида қараш, мавжуд муаммоларни ноформал гурухлар ва уларга хос маданий масалаларни ўрганиш орқали ҳал қилишга интилиш кўзга ташланади. Масалан, Г.Кройтц мавжуд тузумни ва унинг ёшларга муносабатларини кескин танқид қилиш йўлидан борди.¹ Г.Гризе эса ёшларнинг норозилик ҳаракатлари ҳақидаги қарашларини ифода этиб ёзди: «Ёшлар ёшлик босқичлари ва табиат маҳсули эмас, балки ўзининг кўриниши нуқтаи назаридан тарихий жараёнлар билан боғлиқ ижтимоий – маданий ҳодисадир»². Шунинг учун Г.Гризе ёшлар муаммосига ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий нуқтаи назарлардан ёндашиш зарур, деган хуносага келади. Бу аввалги ёндашувлардан ижтимоий йўналтирилганлиги билан фарқ қиласди.

Ижтимоий ёшдашув ёшлар муаммосига оид конфликтология назариясини вужудга келтирди. Унинг илмий масалалари Б.Буххофер, Й.Фридрихс, Г.Людтке, Р.Дарендорф асарларида таҳлил қилинди.³

¹ Қаранг: Kreutz H. Soziologie der Jugend. - München, 1974.

² Grieze H.M. Sozialwissenschaftliche Jugendtheorien. - Weinheim und Basel, 1977. - S.11.

³ Қаранг: Buchhofer F., Friedrichs J., Lüdtke H. Alter, Generationsdynamik und soziale Differenzierung. Zur Revision des Generationsbegriffs als analytisches Konzept. In: Kölner Zeitschrift für Soziologie und Sozialpsychologie, 2, 1970. S.300-334.

Ф. Найдгард ёшликтин бир ёшдағи шахсларнинг ижтимоий табақаланиши, яъни уларнинг ижтимоийлашуви ва жамият поғоналарида турли үринларни эгаллаши билан боғлаб талқин қиласди. Унинг фикрига кўра, жамият ушбу табақалар ўртасидаги фарқларни, қарама – қаршиликларни, роллар ўртасидаги зиддиятларни йўқотиши зарур.¹

70 – 80 йилларда эса Фарб фалсафаси ва социологиясида «янги консерватизм» оқими юзага келди. Ушбу оқимнинг йирик вакиллари А.Бэлл, Г.Кан ва З.Бжезинский, Г.Шельский, К.Штейнбух, Й.Дитц ҳисобланади.² Айнан ўша даврларда Г.Маркузе ва Франкфурт мактабининг вакиллари «ёшлар исёнинг гоявий назариётчилари» сифатида майдонга чиқдилар. Бироқ ёшлар ҳаракати ўзининг ҳеч қандай сиёсий дастурига эга эмас эди. Ушбу ҳаракатта илмий – назарий тус бериш, уни «субкультура» ва «турли гуруҳ» («reer group») категориялари билан асослаш Т.Парсонс, Д.Колеман, А.Коэнц, В.Миллер томонидан амалга оширилди.³

Фарбий Европа тадқиқотчиларининг изланишлари кўпроқ социологик характерга эга булиб, уларда ёшлар ўз қадриятлари, қизиқишларига эга алоҳида гуруҳ, ҳатто синф сифатида қараш мавжуд. Бироқ уларда ёшлар эъзозлайдиган қадриятлар, нормалар, турмуш тарзи кенг ижтимоий муносабатларнинг, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг таъсири эмас, балки индивид, гуруҳ, қатламнинг ички функционал хусусиятлари, қизиқишларининг белгилари сифатида қаралади.

Маънавият, миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг ёшлар маънавий камолотига таъсири ҳақидаги фикрларни Ал – Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Кейинчалик эса маърифатпарварлик гояларини устувор деб билувчи жадидларнинг кўзга кўринган вакиллари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний ва бошқалар ёшлар онгига маърифат, маданият, миллий оғлилиқ, миллий тил, миллий урф – одат ва умуминсоний маърифий билимларни олиб киришга ҳаракат қилганлар.

Диссертацияда собиқ СССР даврида миллий қадриятларга нигилистча муносабатлар юзага келгани, ушбу муносабатлар айрим ёшларда ўзбек тилига, халқимизнинг урф – одатлари,

¹ Қаранг: Jugend zwischen Bund 24.. Bd.I. Vorstudie, S.11,12,85 ва б.

² Ball D. The Coming of Post-Industrial Society. – New-York, 1973; Kahn H. Vor uns die guten Jahre. Ein realistisches Modell unserer Zukunft. Wien-München-Zürich-Innsbruck, 1977 ва б.

³ Қаранг: Антонович И.И. Социология США: Проблемы и поиски решений. – Минск, 1996.

тариҳи ва маданиятига менсимай қарашни шакллантиргани очиб берилади.

Мустақилликка эришгандан сүнг республикамиз олимлари – Ж. Туленов, Э. Юсупов, Х. Шайхова, Д. Ҳабибуллаева, А. Абдуғафуров, Қ. Назаров ва бошқалар аксиологиянинг у ёки бу соҳаларини тадқиқ этдилар. Ж.Туленов, Э.Юсупов, З.Ғафуров асарларида ўтмиш аждодларимиз маънавий меросига таянган ҳолда қадриятларнинг миллий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилган¹. Уларда аксиологиянинг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, шарқона илдизлари, ўзига хос тамойиллари, қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари, қадриятларнинг миллий ва умумисоний жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Ёшларда миллий ва умумисоний қадриятларни шакллантиришнинг айрим масалаларини О.Тоҳиров, ёшларни миллий мерос руҳида тарбиялаш масалаларининг ижтимоий – фалсафий жиҳатларини Х.Шайхова, Э.Юнусова, Ф.Атамуродова, Х.Аҳмедова, Ф. Йўлдошев, З.Қодировалар тадқиқ этганлар². Шунга қарамай, талаба ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда миллий ва умумисоний қадриятлар диалектикаси ижтимоий – фалсафий тадқиқот обьекти бўлмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишига миллий ва умумисоний қадриятларнинг диалектик таъсирини ижтимоий – фалсафий тадқиқ этиш, ушбу жараённинг ижтимоий – педагогик самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш диссертациянинг бош мақсадидир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқсан вазифалар:

- миллий ва умумисоний қадриятларга оид назарий – аксиологик концепцияларни;
- Марказий Осиё мутафаккирларининг шахс маънавияти, унинг шаклланишида миллий ва умумисоний қадриятларнинг аҳамияти ҳақидаги ижтимоий – фалсафий фикрларини;

¹ Қаранг: Туленов Ж., Юсупов Э., Ғофуров З. Истиқдол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Т.:Ўзбекистон, 1993; Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.:Ўзбекистон, 1998; Юсупов Э. Инсон камолининг маънавий асослари. – Т.:Ўниверситет, 1998; Ҳабибуллаева Д. Ўзбекистонда умумисоний ва миллий қадриятларнинг тикланиши. Тарған номидасс. – Т.:1995; Назаров. К. Аксиология(Қадриятлар фалсафаси) - Т.:ЎзМУ,2005; Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлди. – Т.:Академия, 2005 ва б.

² Қаранг: Тоҳиров О. Комиалик – етуклик тимсоли. // Мулоқот. 1999, 3 –сон. – 39 – 41б.; Юнусова Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.:Ўзбекистон, 1995; Аҳмедова Х. Демократики жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси. // Ижтимоий фикр, 2000, 1 – 2 сон. – 150 – 154 б.; Йўлдошев Ф., Ҳайдаров О. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси. // Гулистан, 1999, 5 –сон. – 5 – 6 б.; С.Отамуродов. Талаба ёшларнинг миллий ўзликни англаши. // Ижтимоий фикр. 2000, 1 – 2 сон. – 150 – 154 б.; З.Р.Кадырова. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. – Т.:1999 ва б.

— мустақил ривожланиш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида маънавий янгиланишнинг муҳимлигини, унда қадриятларнинг ижтимоий – функционал аҳамиятини;

— миллий маънавий тараққиёт ва умуминсоний қадриятлар диалектикасининг намоён бўлиши хусусиятларини;

— талаба ёшлар маънавиятида ҳаётий мақсад ва ҳаётий идеалнинг уйғулашиб келиш хусусиятларини;

— ҳаётий мақсад ва қадриятлар диалектикасининг талаба ёшларда ижтимоий – маънавий фазилатларнинг шаклланишига таъсирини тадқиқ этишдан;

— талаба ёшлар маънавиятидининг шаклланишига таъсири қилиувчи ижтимоий – педагогик воситалар ва технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатdir.

Тадқиқот объекти миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланиш жараёни ва ривожланиш қонуниятлари.

Тадқиқот предмети талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида қадриятлар ва ҳаётий мақсадлар ўртасидаги муносабатлар диалектикасидир.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Диссертациянинг илмий – назарий концепциясини белгилаб олишда Республикаиз Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маҳсус фармонлари, маъруза ҳамда сұхбатларида ёшлар ва ёш мутаҳассис – қадрлар тайёрлашга қаратилган фикрлари, кўрсатмалари назарий ва методологик асос вазифасини ўтади. Диссертацияни ёзища замонавий файласуф, сиёсатшунос, социолог, тарихчи ва ҳуқуқшунос олимларнинг муаммога оид илмий хуросаларига таянилди.

Тадқиқот жараёнида ҳалқаро ва республикада ўтказилган күплаб социологик тадқиқотларга мурожаат қилинди. Унда анализ ва синтез, ретроспектив таҳлил, ижтимоий фикр ва статистик маълумотларни ўрганиш, ёшларнинг маънавиятини, ҳаётий мақсадни белгилашини социодинамик кузатиш каби тадқиқот усуllibаридан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Талаба ёшлар маънавиятидининг шаклланиши илк бор миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектикаси нуқтаи назаридан тадқиқ этилди. Объектнинг ўзига хос ижтимоий – демографик хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг маънавий ҳаётидаги социодинамик ўзгаришларни ўрганишга аксиологик – дифференциал ёндашилди.

Талаба ёшлар маънавиятига миллий ва умуминсоний қадриятларнинг таъсири «ҳаётий мақсад», «ҳаётий идеал» каби антропологик тушунчалар орқали таҳлил этилди. Бу эса миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси талаба ёшларнинг:

- юқори малакали мутахассис бўлиб етишишини ахлоқий фазилатлар билан уйғунлаштириш;
- ички зиддиятларга тұла ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишида ижтимоий – тарихий тажрибаларга таяниш;
- илм – фан асосларини ўрганишни конкрет ҳаётий әхтиёжлари билан құшиб олиб бориш;
- ота – она ёрдамига таянган ҳолда ҳаёт субъекти бўлиш, яъни мустақил яңаш, масъулиятни ўз устига олиш;
- жаҳон цивилизацияси ютуқларидан, халқаро маданий – интеграцион алоқалар имкониятларидан фойдаланишни реал ҳаётий мақсадлари билан тўлдириш;
- оиласи, маҳалласи, Ватани билан маънавий – руҳий бирлигини, уйғунлигини сақлаб қолищ каби инсоний интилишларида акс этишини исботлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ёшлар маънавиятини шаклантиришга аксиологик – дифференциал ёндашиш, унда ижтимоий – тарихий тажрибаларга таяниш, миллий ва умуминсоний қадриятларни шахснинг ҳаётий мақсади, ҳаётий идеали билан уйғунлаштириш лозимлиги ҳақидаги фикрлар маънавият муаммолари билан шугулланувчи ижтимоий фанларни янги ғоялар ва ёндашувлар билан бойитади.

Ўтказилган социологик тадқиқот усуслари ва олинган натижаларни эса ижтимоий – тарбиявий институтлар фаолиятига янги педагогик ҳәмология сифатида татбиқ этиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий – назарий ва ижтимоий – амалий аҳамияти күпкірралидир. Улардан дарсликлар, ўқув құлланмалари, методик тавсияномалар, махсус курс дастурлари ишлаб чиқышда, маънавият ва маърифат марказлари, ёшлар ижодий үйлари, мектблар ва ўқув юртларининг оммавий – маданий тадбирларида, ёшлар маънавиятидаги социодинамик үзгаришларни махсус сүрвномалар орқали ўрганиб борища фойдаланиш мумкин. Ёшларни ижтимоий жараёнларнинг фаол субъектига айлантиришни назарда туттан ҳаётий мақсадни, ҳаётий идеални ўрганиш усулини янги педагогик технология сифатида құллаш айни муддаодир.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва татбиқ этиш. Диссертация Гулистан Давлат университети «Фалсафа» ва «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраларининг құшма йиғилишида (2005 йил 11 феврал, 2 –сонли баённома) мұжоказама қилинганд. Шунингдек, у Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети фалсафа кафедрасида (2005 йил 22 июнь, 29 –сонли баённома), Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий – гуманитар фанлар кафедрасида (2005 йил 14 сентябр, 1 –сонли

баённома), Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Д. 067.02.01 фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражаси учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш қошидаги Ижтимоий фалсафа ихтиносликлари бўйича илмий – назарий, методик семинарларда (2005 йил 20 октябр, 3 –сонли баённома) муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг асосий натижалари Тошкент, Гулистон шаҳарларида бўлиб ўтган Республика миқёсидағи илмий – назарий ва амалий анжуманларда илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Илмий тадқиқот натижалари 4 та журнал, 5 та турли илмий – назарий анжуманлар ва 2 та маҳсус илмий тўпламларда чоп этилган мақолаларда баён этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертациянинг асосий матни 148 бетдан, мундарижаси «Кириш», уч боб, «Худоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва "Иловалар"дан иборат.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, унинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, изланиш натижаларининг синондан ўтганлиги кўрсатилган.

«Миллий ва умуминсоний қадриятлар – ижтимоий – фалсафий тадқиқотлар обьекти» деб номланган биринчи бобда миллий ва умуминсоний қадриятлар назарий – фалсафий, аксиологик, социомаданий таҳдил қилинган.

Бобнинг биринчи (1.1.) параграфида **«Миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси: назарий – фалсафий таҳдил»** килинади. Ижтимоий фалсафадаги ёндашувлар ўрганилиб, улардаги баҳсталаб томонлар очиб берилади ва қадриятларга тадқиқот концепцияси нуктаи назаридан таъриф берилади.

Қадриятлар мавзуи кўпдан буён файласуфлар, социологлар, педагоглар, маданиятшунослар диккатини тортиб келади. Изланишларда қадриятларга функционал нуктаи назардан илмий – назарий, ижтимоий – амалий, маърифий – тарғибий, ахлоқий – этик, антропологик, миллий – тарихий, маданий – маънавий каби ёндашишлар мавжуд. Бу қадриятларнинг инсон ва

жамият фаолиятининг моҳияти билан бөглиқ кенг қамровли ижтимоий ҳодисалигидан далолат беради.

Бобда таъкидланганидек, «Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, ижтимоий – ахлоқий, маданий – маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий – социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар... қадрият ҳисобланади»¹. Бундай қарааш Ж. Туленов, Э. Юсупов, М. Хайруллаев, Х. Шайхова, М. Ҳабибуллаев, А. Абдуғафуров, Р. Нурмуҳаммедов, З. Faфуровларнинг тадқиқотларида ҳам мавжуддир. Қадриятларга ижтимоий, маданий, ахлоқий, миллий ва умуминсоний белгиларига қараб бундай кенг таъриф бериш олимларнинг иложи борича қадриятларнинг барча хусусиятларини қамраб олишга интилишидан келиб чиққан. Бу эса қадриятларни вақт ва маконда ҳар хил, ўзгарувчан, фақат позитив воқелик сифатида талқин қилишни келтириб чиқарган. Қадриятларга соф илмий – назарий тасаввур нуқтаи назаридан ёндашиш ҳам бор. Масалан, социолог А.И.Кравченко, «қадриятлар кўпчилик томонидан ижтимоий қўллаб – қувватланадиган эзгулик, адолат, ватаншарварлик, романтик севги, дўйстлик каби ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлардир... Улар шубҳа остига олинмайди, улар барча кишилар учун этalon, идеал бўлиб хизмат қиласди»², деб таъриф беради. Биринчидан, олимнинг қадриятларни, ҳатто улар барча кишилар учун «этalon, идеал бўлиб хизмат қилса – да», тасаввурлар тарзида талқин қилиши эътиroz уйғотади. У тақдирда моддий – маданий бойликлар (Тожмаҳал мақбараси, Хивадаги Иchan Қалъа ёдгорлик мажмуаси ва б.) қадриятларга кирмайдими?! Иккинчидан, субъектив воқеа – тасаввурларнинг барча (?) кишилар учун бир хил «этalon, идеал» бўлишини фақат хаёлдагина тасаввур қилиш мумкин.

Қадриятлар «инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалардир»³, деган таъриф ҳам учрайди. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлмаган нарса борми ўзи? Ҳатто илоннинг заҳари ҳам киши учун аҳамиятли, керакли экани аксиома эмасми? Бироқ биз илон заҳарини қадрият деб атамаймиз.

Диссертацияда қадриятларга социомаданий ёндашилади ва улар инсон ва тарихий субъектларнинг ён – атрофни, оламни идрок этиши, ўзлаштириши ва ўзгартириши жараёнида яратган

¹ Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 372 б.

² Кравченко А.И. Социология. – М.: Логос – Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – С.168.
Қаранг: Қадриятлар. //Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабол луғат. – Т.: Шарқ, 1998.
– 280 б.

моддий ҳамда маънавий бойликларнинг шахс ёки ижтимоий муҳит томонидан тан олинган меъёр, идеал, намуна, тимсол эканлиги эътироф этилади.

“Қадриятлар” борлик ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган аксиологик тушунчадир. Диссертацияда улар объектив ва субъективлигига кўра моддий ва маънавий; маконда тарқалишига кўра – ҳудудий, минтақавий, умумсайёравий; ижтимоий ҳаёт соҳаларида намоён бўлишига кўра – илмий – маърифий, диний, сиёсий, маданий, иқтисодий; стратификацияга кўра – синфий, партиявий, гурӯҳий; этномаданий хусусиятига кўра – миллий, синкетик, умуминсоний; вақтда келишига кўра – тарихий, умрбоқий; функцияларига кўра – бошқариш (кенг маънода), координациялаш, тадрижий ривожланишни таъминлашга қаратилган қадриятларга тасниф қилинади.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектик боғлиқлиги тарихий – маданий мерос, анъаналар, диний эътиқод, ижтимоий – тарихий тажриба, оилаславий муносабатлар, турмуш тарзи, ахлоқий ва социал меъёрлар каби шахс ва жамият ҳаётидан муҳим ўрин олган воқеалар орқали очиб берилади. Айнан ушбу ижтимоий воқеликлар қадриятларга зарурлик, шартлик ва умрбоқийлик баҳш этади, социомаданий ҳодиса сифатида инсон ва жамият ўртасидаги узвийликни, ривожланишда тадрижийликни таъминлайди.

Бобнинг “Марказий Осиё мутафаккирлари шахс маънавиятининг шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти ҳакида” деб номланган иккинчи (1.2) параграфида Ал – Хоразмий, Имом ал – Бухорий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом ат – Термизий, Рудакий, Носир Хисрав, Юсуф Хос – Ҳожиб, Маҳмуд Кошгарий, Бурҳониддин Марғиноний, Яссавий, Низомулмулк, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Аҳмад До ниш, Бердақ каби Марказий Осиё мутафаккирларнинг қадриятларга оид қарашлари жамиятнинг маънавий – ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин туттани очиб берилади. Ушбу гуманистик қарашлар ҳозир ҳам ўз қумматини йўқотмаган. Улар:

- минтақадаги ички тарихий – маданий тажрибалар, анъаналар;
- ташқи тарихий – маданий ва интеграцион алоқалар;
- диний, ахлоқий, маънавий – руҳий изланишлар, инсон зотига хос бошқа кўплаб омиллар таъсирида миллий ва умуминсоний қадриятларга айлангани боис ёшларни маънавий шакллантиришга йўлланма, дастур қилиб олиниши мумкин.

Бугунги ёшларимизга миллий истиқдол учун курашган маърифатпарвар боболаримиз — жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндалари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлонийларнинг ҳаёти ва ижоди ибрат, маънавий идеал бўла олади.

«Миллий ва умуминсоний қадриятлар—ёшлар маънавий камолотининг муҳим омили» деб номланган иккинчи бобнинг «Талаба ёшлар маънавияти ва миллий қадриятлар» (2.1) параграфида Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши, миллий тараққиёти иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан бирга кишилар маънавиятини янгилаш ўйлидан боришини тақозо эттани, бу вазифа маънавияти юксак, баркамол авлодни етиштириш фояси билан боғлиқлиги очиб берилади.

Маънавий янгиланиш миллий мафкура орқали амалга оширилади ва у инсон омили билан боғлиқdir. Маънавий янгиланиш жамиятнинг ҳар бир фуқаросига даҳлдорлиги, ҳар бир кишининг орзу—истакларига, ҳаётий интилишларига мос келиши билан аҳамиятлиdir. Диссертацияда маънавий янгиланиш билан миллий қадриятлар ўртасидаги диалектик алоқадорлик инсон, унинг манфаатлари, камолотни кўзлаган интилишлари орқали уйғуналашиши очиб берилади. Шунинг учун маънавий янгиланиш объектив ва субъектив сабаблар боис ўнугилган тарихий—маданий, миллий қадриятларни қайта англаш ва ҳайтта тиклаш, улардан ижтимоий тажрибада кенг фойдаланиш демакдир. Ушбу қадриятларни сўзда эътироф этиш етарли эмас, уларни ижтимоий тажрибага кенг жорий этиш, маънавий—руҳий тарбиянинг ажралмас атрибутига айлантириш ҳам зарурдир.

Бобнинг «Умуминсоний қадриятлар ва талаба ёшларнинг маънавий шаклланиши» (2.2) параграфида умуминсоний қадриятларни ёшларнинг ҳаёт тарзига, ижодий тараққиёт, амалиёт ва қундалик турмуш мезонларига айлантириш муаммолари ўрганилади. Ушбу мезонлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- жаҳон аҳли ва тараққийпарвар давлатлар билан маданий—интеграцион алоқалар ўрнатишида;
- минтақавий қадриятларни асраш ва ривожлантириш учун иқтисодий, маданий, сиёсий ва этнорегионал алоқаларни кенгайтиришида;
- динлардаги умуминсоний қадриятлардан миллий—маънавий тикланишида фойдаланишида;
- тараққиёт учун хавф туғдираёттан деструктив ҳодисалар ва кучларга қарши курашиш учун тараққийпарвар кучлар билан бирлашишида;

- демократияни, унинг ҳаёт тарзига айланишини қўллаб – кувватлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этишда;
- илм – фан, маърифат, таълим ва ахборот соҳасидаги очик ҳамкорлик қилишда.

Диссертацияда ушбу йўналишларнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг талаба ёшлар маънавий оламига таъсири, бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилган чора – тадбирлар таҳдил қилинганд. Унда демократия, эрк, ҳуқуқнинг ёшлар маънавий ҳаётидаги ўрни очиб берилган. Чунки ҳуқуқ – умуминсоний ва миллий маданият ҳодисаси бўлиб, унда у ёки бу цивилизация қадриятлари ўз аксини топади. Демак, демократия ва инсоний ҳуқуқ нормаларини қарор тоғтириш, уларни ҳаёт тарзининг атрибутига айлантириш ёшлар маънавиятида умуминсоний қадриятларнинг барқарор ўрин эгаллашини таъминлади. Аксинча, демократия ва инсон ҳуқуқларига қарши ҳар қандай ҳаракат шахсни маънавий таназзулга олиб келади.

«Талаба ёшларда ҳаётий мақсадни шакллантириш масалалари» деб номланган учинчи бобнинг биринчи (3.1) параграфида «Миллий қадриятлар ва талаба ёшларда ҳаётий мақсадни шакллантириш масалалари» тадқиқ этилади.

Яшашдан маъно, мақсад қидириш инсонга хос хислатdir. Ҳаётий мақсадига эга инсон ён – атрофга, жамиятдаги ўзгаришларга онгли, фаол муносабатда бўлади, ўзининг, таникли руҳшунос С.Л.Рубинштейн ىбораси билан айттанда, «ҳаёт субъекти» эканлигини ҳис этади. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг талаба ёшлар ҳаётий мақсадига таъсир даражалари социологик сўровнома ёрдамида аниқланди. «Ҳаётий мақсадингизни белгилаб олишингизда қуидаги қайси миллий қадриятлар мухим аҳамиятта эга?» деган саволга бюджетда ўқиёттан 1 курс респондент – талabalарининг 74 %, контрактда ўқиёттанларнинг 81 % «ота – онам ҳоҳишлари» деб жавоб берган. Бюджетда ўқиёттан 4 курс респондент – талabalарининг жавоби 41 % ва контрактда ўқиёттан талаба – респондентларнинг жавоби 50,5 % ни ташкил этган. Агар биринчи курс талabalарида ота – оналарининг ҳоҳишларига итоат этиш юқори кўрсаткич берса, у тўртинчи курсга келиб деярли икки марта қисқаради. Юқори курсга ўтиши билан талabalarda мустақил яшашга, ўз ҳаётий мақсадларини ўзлари белгилашга интилиш ошади. Бу фикрнинг тўғрилиги «ҳаётий мақсадларимни белгилаб олишда ўзимнинг шахсий режаларим бор» деган жавобда янада яқзол акс этади. Демак, ҳалқимизнинг «ота – онангни ҳурмат қил» ўтити миллий қадрият сифатида талаба ёшлар онгига чуқур ўрнашиб қолган, аммо у тўртинчи курсга келиб таълим – тарбия, билим, ўқув

юргидаги ижтимоий – маданий ва ижодий муҳит таъсирида трансформацияга учрайди.

Тадқиқот давомида юқори курсга ўтиши билан кўпгина талабаларда бошқа соҳа билан шугулланиш иштиёқи пайдо булиши аниқланди. Жавоблар – ичида «Бизнес билан шугулланаман» деган жавоб етакчи ўринни эгаллади. Агар биринчি курс талабалари ичида бизнес билан шугулланиш 14 % ни эгальласа, тўртингчи курс талабаларида у 36 % ни ташкил этади. Ундан кейин «Чет элларда ишлаб келиш ниятим бор» деган жавоб (6% ва 12%) келади.

«Талаба ёшлар маънавиятига ҳаётий мақсад ва умуминсоний қадриятларнинг диалектик таъсири» охирги (3.2.) параграфда ўрганилади. Унда, бир томондан, миллий қадриятларнинг етакчи ўринда туриши, иккинчи томондан, уларнинг илм, фан, тарбия жараёнида, ижтимоий ўзгаришлар таъсирида трансформацияга учраши, тараққий эттан давлатларда қарор топган қадриятлар билан уйғуллашуви ёритилади.

«Талаба ёшларда умуминсоний қадриятларни шакллантириш учун яна нималарга эътибор бериш лозим?» деган саволимизга олинган жавоблар ичида «Маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш зарур» деган жавоб етакчи ўрин эгаллади. Ундан кейин тартиб билан «Ҳурфикарликни ривожлантириш зарур», «Ишбилармонликтини ривожлантириш керак», «Жаҳон халқлари санъати ва маданиятини ўрганиш лозим», «Халқаро алоқаларни қўллаб – қувватлаш керак», «Инсон ҳукуқлари ва эркини мустаҳкамлаш лозим» деган жавоблар келади.

Демак, талаба – респондентлар маънавий қадриятларга катта эътибор беришади. Уларда ҳурфикарлик ва ишбилармонликтини ривожлантиришга, жаҳон халқлари санъати, маданияти ва таълимотларини ўрганишга қизиқиш юқоридир. Шу маънода талаба – ёшларни ҳаётий мақсадини шакллантиришга ўргатиш бугунги фуқаролик жамияти ва демократик ҳукуқий давлат қуриш жараёнида муҳим ижтимоий аҳамиятта эгadir.

III. Х У Л О С А

Илмий изланишлар қуйидаги хуносаларга олиб келди:

Биринчидан, халқимиз ҳаёт тарзидан жой олган қадриятлар ўзининг тарихий – маданий илдизига эга. Улар узоқ ривожланиш, тоғо қескин курашлар жараёнида синовдан ўтган, тобланган. Шунинг учун қадриятлар шунчаки эъзозланадиган, қайд этиладиган бойликлар, рамзлар, белгилар йиғиндиси эмас, балки улар ҳаёт ва келажакка таъсири этубчи, у ёки бу

тажрибани баҳоловчи, даврнинг мақсад ва режаларини белгилаб берувчи ўзига хос мезонлар ҳамdir.

Иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик маълум бир объектив ижтимоий – тарихий муҳит таъсирида, маданий негизлар объектив ва субъектив омиллар асосида юзага келади. Агар объектив ижтимоий – тарихий муҳит аниқ давр, муносабатлар ва интеграцион алоқалар орқали миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шакланишига, уларнинг диалектик ривожланишига таъсири кўрсатса, маданий негизлар ва субъектив омиллар эса уларни аниқ кўринишларда ифодалаб, синтезлаштирища намоён бўлади Шунинг учун миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикасини объектив ижтимоий – тарихий муҳитдан алоҳида қарааш мумкин бўлмаганидек, уларни маданий негизлар ва субъектив омиллар таъсиридан ҳам айрича қарааш мумкин эмас.

Учинчидан, шахс маънавиятини шакллаштириш масалалари ҳар доим Ўрта Осиё мутафаккирларининг диққат марказида турган. Бироқ уларнинг маданий меросига таяниш мавжуд фикрларни шунчаки тақрорлаш ёки улуғлаш йўлидан эмас, балки уларни жамият, ёшлар дуч келаётган муаммолар билан боғлашни тақозо этади.

Тўртингидан, Республикамиз жаҳон ҳамжамияти ўртасида ўзига хос ўрин эгаллашга, ўзининг маънавий – интеллектуал салоҳиятини намоён этишга интиломоқда. Бу улуғвор мақсадд умуминсоний қадриятларга содиқликни, уларни ички ҳаётта, кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий фаолиятига сингдиришини талаб этади.

Умуминсоний қадриятлар ҳақидаги аниқ тасаввурлар ёшларда жаҳон эътироф этаётган тамойиллар ва тартибларга, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини эгаллашга қизиқиш ўйғотиши мумкин. Ёшлар реал турмуш талабларига жавоб бера оладиган, уларга ҳаётний мақсадни кўрсата оладиган қадриятларнингина қўллаб – қувватлайдилар.

Бешинчидан, ёшлар ҳаётнинг ҳақиқий ва тўлақонли субъекти бўлмагунча, уларнинг маънавиятида, онги, дунёқарashi ва турмуш тарзида бирор ўзгариш кутиш қийин. Ҳаётнинг том маънодаги субъекти бўлиш эса дастлаб ҳаётний мақсадни белгилашда намоён бўлади.

Талаба – ёшлар жамият маънавий ҳаётида содир бўлаётган позитив ўзгаришларни чуқур ҳис этадилар. Уларда миллий қадриятларга ҳурмат билан қарааш, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришга қизиқиш юқори. Бироқ миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси талаба ёшлар маънавиятида турли йўналишларда, кўламларда намоён бўлади. Гоҳо эса улардан бири

устун келади ва замонавий ёндашишлар ўртасида баҳс, мунозара, фикрлар туқнашувига сабаб булади. Масалан, талаба – респондентларда ҳаётый мақсадни ота – оналарининг хоҳиши, истаги ва кўрсатмаларига мувофиқ белгилаш етакчи ўринда туради. Юқори курсга ўттач эса уларда мустақил яшашга интилиш кучаяди. Аммо бу маълум бир илмга, ижтимоий – сиёсий ва маданий тажрибага эга талаба ёшларда кўзга ташланади. Демак, ёшлар маънавиятида умумисоний негизларга эга бўлган илм, фан, маданият, жаҳон аҳли тан олган нормалар, тартиблар мұхим ўрин эгаллаши лозим. Чунки илм – фан, цивилизация шахснинг ўз интеллектуал салоҳиятига, кучига ишонишини, уларни ҳаётый мақсадини рӯёбга чиқаришга йўналтиришини қўллаб – қувватлайди.

Олтинчидан, талаба ёшларнинг ҳаётый мақсадини шакллантириш уларнинг маънавиятини шакллантириш ҳамdir. Чунки ҳаётый мақсад талабаларнинг ички руҳий оламини, у орқали эса ён – атрофга муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий аҳамиятта эга воқелиқdir.

Еттинчидан, талаба ёшлар умумисоний қадриятларга айланган ишбилармонликка, тинчликни, тараққиётни асраш учун курашга ҳам бефарқ қарамайдилар. Улар ишбилармонликни моддий – иқтисодий тараққиётнинг, фаровонликнинг асоси деб биладилар.

Талаба ёшларимизда жаҳон маданияти ва цивилизацияси, ижтимоий – сиёсий фикрлари билан чуқурроқ танишишга, улардаги инновацияларни ўрганишга хоҳиш кучли. Айнан ушбу истак уларни чет тилларни ўрганишга, интернетдан фойдаланиб, ўз тенгкўрлари билан алоқалар ўрнатишга ундаомоқда. Демак, талаба ёшлар маънавияти кенг ижтимоий, иқтисодий ва ижодий алоқалар ўрнатишга, жаҳон халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишга йўналтирилган.

IV. Тадқиқот натижаларидан қўйидаги тавсиялар келиб чиқади:

1. Талаба ёшларда қадриятлар ҳақида илмий – назарий билимларни шакллантириш учун ўқув юртлари дастурига «Аксиология» фани бўйича маҳсус курс киритиш;
2. «Аксиология»га оид талаба ёшлар ва кенг китобхонлар учун маҳсус лугат чоп этиш;
3. Аҳолининг бошқа ижтимоий – демографик қатламларида миллий ва умумисоний қадриятларнинг шакланишини илмий муаммо сифатида маҳсус тадқиқ қилиш;

4. Қадриятлардаги умумий ва хусусий белгиларни сақлаб қолиш ва шу тариқа маданиятдаги ички ранг – барангликни ривожлантириш;

5. Оммавий ахборот воситаларида «Қадриятлар» рукни, студияси ва эшиттиришларини ташкил этиш;

6. Маҳаллаларда ёшларга мұлжаллаб «Оила ва қадриятлар», «Умуминсоний ва миллий қадриятлар», «Ёшлар ва демократик қадриятлар», «Кім бұлсам экан?», «Хәётій мақсадингиз борми?», «Маңнавий идеалим» мавзуларида маданий – маърифий табдирлар үтказиб бориш зарур.

V. ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ МУАЛЛИФНИНГ ҚҰЙИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСИНІ ТОПГАН:

1. Темирова Н.Э. Миллий ғоя – халқни, миллатни бирлаштирувчи оміл. //Мустақіл Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари (маърузаларнинг қисқача матнлари). Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мұминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институты. – Т.: 1999. – 101 – 103 б.
2. Темирова Н.Э. Миллий истиқбол ғояси ва миллий мағқура бутунги күннинг долзарб мавзуси. //Миллий истиқбол ғояси ва мағқураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар (маърузаларнинг қисқача матнлари. 1 жылд). Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мұминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институты. – Т.: 2001. – 56 – 57 б.
3. Темирова Н.Э. Комил инсон – миллий истиқбол ғоясининг мақсади. //Миллий истиқбол ғояси: асосий түшунча · ва тамойиллар. Ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасалари учун құмманма. – Т.: 2001. – 160 – 164 б.
4. Темирова Н.Э. Тараба ёшларда ҳәётій мақсадни шаклантириш муаммолари. // ГүлДУ ахборотномаси, 2004, 2 – сон. – 61 – 67 б.
5. Темирова Н.Э. Фалсафанинг таълим – тарбия салоҳияти. //Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар, Т.:ТДТУ, 2003, 3 – 4 – сонлар. – 75 – 78 б.
6. Темирова Н.Э. Фалсафанинг долзарб муаммолари. //Фалсафа ва ҳуқуқ, Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мұминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институты, 2004, 1 – сон. – 67 – 69 б.

7. Темирова Н.Э. Ёшлар – келажак пойдевори. // Жамият ва бошқарув, Т.: 2004, 2 –сон. – 76 – 77 б.
8. Темирова Н. Маънавий янгиланишда миллий ва умуминсоний қадриятларниң ўрни. // «Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи» мавзусидаги Республика илмий – услубий анжумани түплами. 1 – қисм. – Гулистон, 2006. – 96 – 97 б.
9. Темирова Н. Преподаватель русского языка как пропагандист идеи национальной независимости. // Проблемы обучения русскому языку и литературе в системе непрерывного образования на основе новых педагогических и информационных технологий. Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Гулистон, 2006. – С.60-62 (Ҳаммуалифликда).

**Фалсафа фанлари номзоди илмий дәражасига талабгор
Темирова Нилюфар Эркиновнанинг 09.00.11. – ижтимоий
фалсафа ихтинослиги бўйича «Талаба ёшларнинг маънавий
шаклланишида миллий ва умуминсоний
қадриятлар диалектикаси» мавзусидаги
диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) тушунчалар: ёшлар маънавияти, талаба ёшлар, қадриятлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавий янгиланиш, маданий мерос, ижтимоий – тарихий тажриба, диалектика, ҳаётний мақсад, дифференциал ёндашув, миллий тараққиёт, интеллектуал салоҳият, «ҳаёт субъекти».

Тадқиқот обьектлари: талаба ёшлар маънавияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар.

Тадқиқотнинг мақсади. Талаба ёшлар маънавиятининг шаклланишига миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектик таъсирини ўрганишдир.

Тадқиқот усуслари: анализ ва синтез, аксиодогик – дифференциал ёндашув, интервью, сұхбат, оммавий сүроқ, маънавий – маданий жараёнлар социодинамикасини кузатиш, тарихийлик ва обьективлик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. Диссертацияда талаба ёшлар маънавиятини шакллантириш миллий ва умуминсоний қадриятларни талаба ёшларнинг оламни, ён – атрофни билишга, ижтимоий – тарихий тажрибаларни ва жаҳон халқлари маданиятини, ҳаётдаги инновацион ўзгаришларни ўрганишга бўлган қизиқишилари ҳамда ҳаётний мақсади билан боғлашни тақозо этади, деган foя асосланган ва илгари сурилган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалардан илмий изланишлар олиб бориш, дарслик ва ўкув қўлланмалари тайёрлаш, ижтимоий – тарбиявий муассасалар фаолиятида оммавий – маданий тадбирлар ташкил этишда педагогик технология усули сифатида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш дәражаси. Тадқиқот натижалари муаллифнинг илмий – назарий анжуманлардаги маърузаларида, турли журналлардаги мақолаларида ўз ифодасини топган. Улар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тарбиячилар, ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар учун аҳамиятлиdir.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси. Диссертация хуносаларидан, унда илгари сурилган foя, фикрлардан ҳамда қўлланилган тадқиқот усусларидан ўкув юртлари ва ижтимоий – педагогик институтлар фаолиятида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

**диссертации Темировой Нилуфар Эркиновны на тему
«Диалектика национальных и общечеловеческих ценностей в
духовном формировании студенческой молодёжи» на
соискание учёной степени кандидата философских наук по
специальности 09.00.11.– социальная философия**

Ключевые понятия: духовность молодёжи, студенческая молодёжь, ценности, национальные и общечеловеческие ценности, духовное обновление, культурное наследие, социально – исторический опыт, диалектика, жизненная позиция, дифференциальный подход, национальный прогресс, интеллектуальный потенциал, «субъект жизни»

Объекты исследования: духовность студенческой молодёжи, национальные и общечеловеческие ценности.

Цель исследования. Изучение диалектического влияния национальных и общечеловеческих ценностей на формирование духовности студенческой молодёжи.

Методы исследования: анализ и синтез, аксиологическо – дифференциальный подход, интервью, беседа, массовый опрос, наблюдение за социодинамикой духовно – культурных процессов, историчность и объективность.

Полученные результаты и их новизна. Выдвинуты и обоснованы идеи влияния национальных и общечеловеческих ценностей на формирование духовности студенческой молодёжи, их заинтересованности в изучении мира, окружающей среды, социально – исторического опыта и культур народов мира, инновационных изменений, происходящих в жизни.

Научная и практическая значимость исследования. Полученные результаты могут быть использованы при разработке учебников, учебных пособий, организации массово – культурных мероприятий в деятельности общественно – воспитательных учреждений в качестве метода педагогической технологии.

Степень внедрения. Результаты диссертационного исследования нашли своё отражение в докладах на научно – теоретических конференциях, различных публикациях автора. Они могут быть использованы членами общественного движения «Камолот», воспитателями, учителями, работниками средств массовой информации и организациями, работающими с молодёжью.

Сфера применения. Заключения, выводы и выдвинутые в исследовании идеи, а также методы исследования могут быть использованы в деятельности учебных заведений и общественно – педагогических институтов.

RESUME

Thesis of Temirova Nilufar Erkinovna on the academic degree competition of candidate of philosophical sciences, Speciality: 09.00.11.- social philosophy Subject: "Dialectics of the national and universal values in the formation of spirituality of student youth"

Key words: spirituality of youth, students youth, values, national and universal values, spiritual renovation, cultural heritage, social and historical experience, dialectics, life aim, national process, intellectual ability, the "subject of life".

Objects of investigation: spirituality of student youth, national and universal values.

The aim of investigation: social and philosophical investigation of the dialectics of national and universal values in the formation of the spirituality of the youth.

Methods of investigation: analysis and synthesis, differential and acsiological approach, interviews, talks, mass opinion survey, observation of sociodynamics in cultural and spiritual processes, historicity and objectivity.

The results achieved and their novelty: the idea about the formation of the spirituality of the youth demands the supplying dialectical unity of national and universal values with the striving of the youth to cognition of the outside world, the reality, social and historical experiences of the previous generations, world peoples culture, innovative processes which are taking place in the world and their life aims today.

Practical significance: the results of the investigation could be used in scientific and research works, in compiling of textbooks and handouts, in the activities of social and pedagogical institutions, in organizing cultural and upbringing events as a means of new pedagogical technology.

Degree of application: the research work results have found their reflection in the reports on scientific – theoretical conferences, in different publications of author. They can be used by the members of public move "Kamolot", trainers, teachers, broadcast workers and organizations, working with the youth.

Sphere of usage: the suspected ideas and the gained conclusions could be applied in the spiritual and moral upbringing of the young people, in the formation of the national and universal values in them.

Тадқиқотчи

Темирова Н.Э.

Босишига 20.05. 2006 йилда руҳсат этилди. Хажми 1,5 босма табоқ. Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусхада. Буюртма № 27

Гулистан Давлат Университети босмахонасида чоп этилди.